



**КУЗГИ БУҒДОЙ АНҒИЗИНИ ХАЙДАШ  
МУДДАТАЛРИНИНГ ПАХТА ҲОСИЛИГИ ТАЪСИРИ**

ОРЗУҚУЛОВА ДИЛНУР ИБРОҲИМ ҚИЗИ  
КАРИМБОЕВ САРВАРБЕК АНВАРБЕК ЎҒЛИ  
ЮСУБЖОНОВ АБДУЛАЗИЗ ЮНУСХОН ЎҒЛИ  
**Тошкент давлат аграр университети талабалари**

**Аннотация:** Ушбу мақолада Тошкент вилоятининг типик бўз тупроқлари шароитида, кузги буғдой эанғи зини хайдаш муддатларининг ғўза ҳосилдорлигига таъсири ва ғўзадан юқори ва сифатли ҳосил етиштиришни таъминлайдиган агротехнологиялар бўйича маъулумтлар келтирилган.

**Аннотация:** В данной статье представлено влияние периодов шрота озимой пшеницы на урожайность зерна в условиях типичных серых почв Ташкентской области, а также вопросы агротехнологий, обеспечивающих выращивание высоких и высококлассных урожаев из пшеницы.

**Аннотатион:** This article presents the impact of winter wheat meal periods on the yield of grain in the conditions of typical gray soils of the Tashkent region, and issues on agrotechnologies that ensure the cultivation of high and high-quality crops from wheat.

**Калит сўзлар:** типик бўз тупроқ, кузги буғдой анғизи, хайдаш муддатлари, ғўза ҳосили

**Диссертатсия мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** «Дунё кишлоқ хўжалигида сўнғи йиллардаги маълумотлар таҳлил қилинганда, шудгор ўтказиладиган майдонлар 13,958 км<sup>2</sup> ни ташкил этиб, Ҳиндистонда 1,562 км<sup>2</sup>, АҚШ да 1,551 км<sup>2</sup>, Россияда 1,197 км<sup>2</sup>, Европа



иттифоқи давлатларида 1,083 км<sup>2</sup>, Хитойда 1,065 км<sup>2</sup> га тенг бўлган». Қора олтин, яъни нефт, ёқилғи мойлаш маҳсулотларининг нархи кескин равишда кўтарилиб бориши, дунё қишлоқ хўжалиги амалиётида етиштириладиган маҳсулотларнинг таннархи ошиши натижасида шудгор ўтказиладиган майдонлар қисман камайган.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида суғориладиган типик бўз тупроқ, тупроққа ишлов бериш усуллари ва муддатлари, кузги буғдойнинг «Краснодарская-99», ғўзанинг «Наврўз», мошнинг «Победа-104» навлари олинган.

**Тадқиқотнинг предмети** тупроққа ҳар хил усул ва муддатда ишлов беришнинг тупроқдаги анғиз ва илдиз қолдиқларининг чиришига, тупроқнинг агрофизик ва агрохимёвий ҳамда микробиологик хоссаларига, ғўзанинг ўсиши, ривожланиши ва ҳосилдорлигига, толанинг технологик сифат кўрсаткичлари ҳамда иқтисодий самарадорлигига таъсири ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг мақсади** Тошкент вилоятининг суғориладиган типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан бўшаган майдонларда тупроққа асосий ишлов беришнинг мақбул муддат ва усуллари ишлаб чиқиш ва унинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири илмий асослашдан иборат.

**Тадқиқот натижалари: Тупроқнинг морфологик таърифи.** Дала тажрибалари олиб борилган дала-ерлар тупроқ-иқлим шароитлари бўйича эскирдан суғориладиган типик бўз тупроқдир.

Тажриба даласини тупроғининг морфологик тузилиши қуйидагича таърифланди:

**A1 0-30 см** ҳайдов қатлами, тўқ бўз кулранг тусли, юза қисмида (1-2 см) курук, пастки қисми сернам, ғовакли, кучсиз зичлашган,



кесаксимон, оғир қумлоқ, кўп миқдорда ғўзанинг ва бугдойнинг анғиз, илдиз қолдиқлари мавжуд. Айрим ҳолда корбанатларнинг оқ доғлари кузатилиб, чувалчанг излари кўп учрайди, кейинги қатламга зичлиги ва ранги бўйича ўтиши сезиларли даражада.

**A2 30-45 см** ҳайдов ости қатлами, оч жигарранг бироз оқиш кулранг тусли, сернам, юқори қатламга нисбатан зичлашган оғир қумоқ, кесаксимон, аксарият қисми майда кесаксимон бўлиб, майда ғоваксимон, ўсимлик илдизлари ва уларнинг чириб битмаган қолдиқлари ҳамда чувалчангларни якка-якка излари, корбанатларнинг майда тўпламлари учрайди, навбатдаги қатламга ўтиш ранги ва зичлиги бўйича сезиларлидир.

**B1 45-86 см**, юқори қатламга нисбатан ранги очроқ, сернам, оғир қумоқ, зичлашган, майда кесаксимон, яккаҳол майда илдиз қолдиқлари ва чувалчанг излари учрайди, карбонат тузлари миқдори юқоридаги қатламлардагидан кўпроқ, яккаҳол шўх (1 см) тўпламлари учрайди, кейинги қатламга ўтиши ранги ва зичлиги бўйича сезиларли.

**B2 86-129 см**, оч жигарранг бироз кулранг тусли, сернам оғир қумоқ, кесаксимон, яккаҳол чириган илдиз қолдиқлари мавжуд, айрим яккаҳол карбонат тузлари тўпламлари учрайди, майда ғоваксимон, навбатдаги қатламга ўтиши ранги ва зичлиги бўйича кам сезиларли даражада.

**C2 129-160 см**, Лёссимон қумлоқ тус, жигарранг тусли, зичлашган айрим яккаҳол карбонатларни тўпламлари учрайди. Навбатдаги қатламга ўтиши механик таркиби ва зичлиги билан сезиларли даражада

**160-200 см**, Лёссимон қумлоқ таркибли, майда структурали қатлам, зичлашиши камроқ, айрим жойларда қумлоқ майда заррачалардан ҳамда баъзи жойларда гипс бирикмалар кўзга ташланади.



Эскитдан суғориладиган типик бўз тупроқларни шаклланиши ирригатсион намланиши тартиби натижасида агротадбирлар тизими агротехника ва мелиоратив шароитларнинг таъсир этиши натижасида содир бўлган.

Тажрибалар Тошкент вилояти Қибрай тумани ПСУЕАИТИнинг Марказий тажриба хўжалигида дала шароитларида ўтказилиб, ушбу жой тупроғлари қадимдан суғориладиган, ўрта ва оғир қумоқли типик бўз тупроқ бўлиб, ер ости сувлари чуқур жойлашган. Тажриба 2020-2021 йилларга мўлжалланиб, тажриба вариантларида ғўза, кузги буғдой ва дуккакли-дон экинларини навбатлаб экиш тизимида ерга ҳар хил усул ва муддатларда ишлов беришнинг тупроқ унумдорлигини сақланишини таъминлайдиган технологиялар ўрганилган. Тажриба тизими 2.1-жадвалда келтирилган.

Тажриба 4 вариантдан иборат бўлиб, 4 такрорланишда ўтказилди. Дала тажрибаси майдони 1,0 га, ҳар бир бўлинма узунлиги 50 м, эни 4,8 м, умумий майдони 240 м<sup>2</sup>, ҳар бир вариант 8 қатордан иборат бўлиб, ҳисоб китоб ўртадаги 4 та қаторларда ўтказилди. Биометрик ўлчовлар, агрофизик ва кимёвий таҳлиллар ЎзПТИ (2007) услубий қўлланмасига асосан олиб борилди.

Тошкент вилоятининг ер ости сувлари чуқур жойлашган, қадимдан суғориладиган, оғир қумоқли, типик бўз тупроқлари шароитида кузги буғдойдан бўшаган майдонларни гектарига 300–400 м<sup>3</sup> меъёрларда суғориб, 28-30 см чуқурликда ҳайдаб, сўнг такрорий экин сифатида мош этиштирилиб, ҳосил йиғиб олингандан кейин кузда шудгор ўтказилган вариантда, кузги буғдой ўрмидан сўнг суғормай ва суғориб 28-30 см чуқурликда ҳайдаб қўйилган вариантларга нисбатан гектаридан 3,9-4,4 центнергача қўшимча пахта ҳосили олишга эришилди ҳамда ушбу мақбул



вариантларда гектаридан 1 млн 39 минг сўм соф даромад олинди, 27,5-30,2 % рентабеллик таъминланган.

Кузги буғдой ўрмидан сўнг ерни 28-30 см чуқурликда хайдаб такрорий экин мош экинни етиштириб сўнг кузда 28-30 см чуқурликда шудгорланганда тупроқнинг агрофизик, агрохимёвий хоссаларининг ва микробиологик фаоллигининг сезиларли даражада ошиши тупроқнинг хайдов қатламларида юқори бўлиши кузатилган.

### Хулосалар

1. Чигит экиш учун ер тайёрлаш ишларидан олдин тупроқдаги анғиз ва илдиз қолдиқларининг чириш жараёни эрта баҳорда аниқланганда, 8 ой давомида энг кўп миқдорда чириш жараёни (50,9 %) кузги буғдойдан сўнг ёзда суғориб, 28-30 см да хайдаш ва такрорий экин экиб, кузда 28-30 см да шудгорланганда кузатилиб, бу кузги буғдой ўрмидан сўнг ёзда суғормай, 28-30 см да хайдалган ва ёзда суғориб, 28-30 см да хайдалганга нисбатан мутаносиб равишда 17,7-16,9 % га юқори, яъни чириш жараёни кўпроқ бўлганлиги кузатилган. Кузги буғдой ўрмидан сўнг, кузда 28-30 см да шудгорланганда анғиз ва илдиз қолдиқлари чириши 4 ой давомида 34,0 % ни ташкил этиши тадқиқ қилинди.

2. Кузги буғдойдан сўнг, тупроқ ёзда 28-30 см чуқурликда суғормай хайдалганда пахта ҳосили йиллар бўйича ўртача 25,6 с/га ни, кузги буғдойдан сўнг суғориб, ёзда 28-30 см хайдалганда эса 25,1 с/га ни, кузги буғдойдан сўнг, 28-30 см чуқурликда кузда шудгорланганда ўртача 28,9 с/гани ташкил этди. Тадқиқот йилларида энг юқори кўрсаткичлар кузги буғдойдан сўнг суғориб, 28-30 см чуқурликда хайдаб, такрорий экин сифатида мош етиштирилган ва кузда 28-30 см чуқурликда шудгор ўтказилганда олинди, ўртача 29,5 с/га га тенг бўлди ва бу кўрсаткич кузги буғдойдан сўнг суғориб, ёзда 28-30 см чуқурликда хайдалганга нисбатан



ўртача 4,4 с/га га, кузги буғдойдан сўнг кузда 28-30 см чуқурликда шудгорлаш ўтказилганга нисбатан 0,6 с/га га юқори бўлганлиги аниқланди.

#### Адабиётлар рўйхати:

1. Атажанов М.М. Тупоққа ишлов бериш усуллари ва такрорий экинларнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири. // Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (ПхД) диссертацияси автореферати. Тошкент, 2019, б. 3-20.
2. Аҳадов Х. Тупроқ зичлашувини олдини олиш. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. № 12. – Тошкент, 2006 й. Б.18.
3. Баҳромов С., Баҳромов Ш. Пахта ҳосилдорлигига такрорий экинларнинг таъсири. “Дехқончилик тизимида зироатлардан мўл ҳосил етиштиришнинг манбаа ва сув тежовчи технологиялари” мавзусидаги Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари тўплами. – Тошкент, 2010. Б.125-127.
4. Бўриев Я. Дуккакли экинлар ва тупроқ унумдорлиги. Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги журнали. Тошкент, № 6. 2010. Б.19.